

Сенга 2020

Mustahkam oila – yurt tayanchi

№ 37  
(435)  
2020-yil  
17-sentabr  
payshanba

# OILA DAVRASIDA

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.

**Ахрор УСМОНОВ:**  
**«ЎША ҚАРҒИШДАН  
ҚЎРҚАМАН...»**

4-бет

## МАКТАБЛАРДАГИ ВАЗИЯТ!!!

### ТАЪЛИМГА АСЛИДА КИМ МАСЪУЛ?

Боши қотган оиш:

Фарзандим бу  
йил мактабда  
таълим оладим  
йўқми?

СЭМ  
мутасаддис:

Ўқитувчиларда  
вирус, мактаб  
эпилади!

Мактаб  
маъмурияти:

Менга депутатлар  
мактабни очасан  
дейишган

Халқ таълими  
мутасаддис:

Мактабни  
очасиларми  
ёпасиларми, мен  
билмайман...

«Оила даврасида» газетасига

# 2021 ОБУНА бошланди



«Оила даврасида» – энг арзон, энг қизиқарли ва оилангизнинг ҳар бир аъзоси учун энг фойдали нашр!



ОБУНА  
БЎЛИШГА  
ШОШИЛИНГ!

# 193

Обуна индекси –

### ҚОҒОЗБОЗЛИК ТУГАГАН (ми?)

ёхуд Афандининг  
сичқон дориси

3-бет

СТАТУСда

ВИЖДОН кўринади.

6-бет

### «КИШИ АЙБИНГ ДЕСА...»

Навоий ва танқид

7-бет

Батафсил  
маълумот:

## +99897 731-87-01



## Шукроналик шукуҳи:

ОЗОДЛИКНИНГ ҲАВОСИ  
ҲАМ БОШҚАЧА...

Сиз учун озодлик – етти ҳарфдан иборат оддий сўз бўлиши мумкин. Аммо бу сўз кимлар учундир ўзгача жарангдор, жозибали ва сеҳрли кучга эгадек туйилиши аниқ. Озодлик қадрини ҳеч ким маҳкумлар, ундан маҳрум бўлганларчалик яхши англамас керак. Сурхондарёлик Ўктам Худойкулов бугун қуёшни панжара ортидан эмас, унга пешвоз чиқиб томоша қиляпти.

Озодликнинг ҳавоси бош-качадас, кўксини тўлдириб тўйиб-тўйиб нафас оляпти. Болалиги ўтган кадрдон кишлоқ уни яна бағрига олганда оёқ-яланг ўйнаган кўчалардан ўтар экан, ҳаёт ҳар доимгиданда гўзалроқ кўринди кўзларига. Кўнгилда ажиб энтиқиш билан остона хаптаб, йиллар шиддати ота-онасининг юзларида ўз изини қолдирган чехраларга бугун қувонч ёшлари билан боқади. Уларни изтиробда қолдириб, ўткинчи хою ҳавасларга берилганидан ўзини ич-ичидан койинди. Қанийди барини ортга қайтара олса...

Балки, ҳаёти бошқача бўлармиди. Мана шу изтироб,

афсус ва надомат унинг кўнгил тубида қолиб кетмади. Бу унга озодлик нашиндаси, иккинчи имкон бўлиб берилди ва жорий йилнинг 27 август куни «Афв» асосида жазо муддатидан илгари шартли равишда озод этилди.

Кечагина Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги қатъий тартибда жазони ўташ муассасасидаги қийинчиликлар ҳали ёдидан чиққани йўқ.

– Қутилмаганда содир бўлган ҳаётимдаги бу қувончли хушxabардан бироз эсанкираб қолдим, – дейди Ў.Худойкулов. – Ким ҳам ўйлабди дейсиз, тўрт томоним қиблага айланиб бир неча кунда уйимга қайта-

ман деб. Йўлда энди нима қиламан, нима иш билан шуғулланаману ҳаётимни қандай изга соламан деган ўй билан калаванинг учини кидирдим. Аммо уйимга қайтишим билан бу жиноятчи деб ўтиришмай маҳалла, ҳокимлик ва тегишли ташкилотлар ҳам маънан, ҳам рухан, ҳам моддий ёрдам беришди. Мен эса бунинг қадрига бормаган, ўқиб укмаган эканман. Энди кўзим очилди. Маҳкумлиқда ўтган йилларим бир умрга татийдиган сабоқ бўлди. Энди ортга қайтиш йўқ. Энди фақат ва фақат олдинга олга юриш бор. Ота-онам ишончини оқлаб, уларнинг хизматини қилиш, оиламни қўз-



корачиғимдек асраш энг олий мақсадимга айланган.

Ҳақиқатан ҳам у уйига қайтгач, унинг муаммолари билан вилоят ҳокимининг шахсан ўзи қизиқиб, муносиб ечим топиш юзасидан тегишли ташкилотларга керакли топшириқларни берди. Қараб-сизки, Ў.Худойкулов қурилиш корхоналаридан бирига ишга жойлаштирилди. Озиқ-овқат ва пул кўринишидаги моддий ёрдам ҳам кўрсатилди. Хурсандчилик деганларидек, жорий йилда туманда қурилаётган кўп қаватли уйлардан уй-жой олиш учун рўйхатга олинди, бошланғич тўлови давлат томонидан ажратиладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил

27 августдаги «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин қўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида»ги Фармонида биноан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-банди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 76-моддасига асосан бозор этилган 8 нафар шахсининг баччасига ҳаётда ўз йўлини топишлари учун мана шундай манзилли ёрдам кўрсатилди. Бу меҳр ва эътиборни уларнинг ўзлари ҳам хис этмоқдалар. Ўрни келганда, бот-бот қалб қўридан отилиб чиққан миннатдорлик сўзларини ҳам изҳор қилмоқдалар.

Сайёра АЛЛАЕВА

## Мактаблардаги тайёргарлик:

САВОЛ УСТИГА  
САВОЛ ТУФИЛМОҚДА...

Яқинда АОКАда ўтказилган брифингга халқ таълими вазири Шерзод Шерматовга айрим мактаблардаги камчиликлар мисол сифатида келтирилиб, таълим муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш учун вазирлик олдида уч ой вақт бор эди, деган мазмундаги фикр айтилганида у истеҳзоли қулимсираб, ортда қолган 25 йилни рўқач қилганди. Ушанда жаноб вазирда вазиятдан чиқиш учун бундан яхшироқ жавоб ҳам йўқ эди назаримизда.

Вазирлик мактабларни очиш ёки очмаслик масаласини ўзидан соқит қилиб, маҳаллий Кенгашларга юклагач, депутатлар ҳолатини ўрганишга киришди ва мана энди янги ўқув йили бошланишига 3-4 кун қолганида жуда кўп камчиликлар юзага чиқмоқда. Масалан, Тошкент шаҳридаги 318 та мактабнинг

174 таси карантин шароитида ўқишга тайёр эмас деб топилибди. Қолган 144 тасининг ҳам аксариятида камчиликлар бор.

Энди савол устига савол туғилверади: хўш, Халқ таълими вазириги шунча вақтдан бери нега шу муаммоларни билмади? Билган бўлса нима учун уларни бартараф

этиш чораларини кўрмади? Нега стартга оз қолганда эмас, 2-3 ой олдинок депутатларни ҳолатини ўрганиш учун чорламади? Ҳокимликларни «уйғотмади»? Балки шундай бўлганда вақтдан ютилармиди...

«Пандемия шароитида бўлса ҳам анъанавий ўқишни бошлашимиз керак, болаларимиз билим олиши лозим», дея қилинган қуюнчақлик учун раҳмат. Аммо паллапартитиш, чала кўрилган тайёргарлик билан бу қандай бўлади? Эртага оқибати нима бўлади? Бўёғини кўриб турибсиз, касаллик яна авж оляпти...

Вазият ҳозир шундайки, вақтида жой-жойига қўйилмаган ишлар туфайли энди яна вақтни бой бераримиз. Чунки айрим мактаблар икки, баъзилари уч ҳафтадан кейин очиладиган бўлди. Албатта, унча аниқланган камчиликлар бартараф этилса, деб ёзмоқда

Platforma.uz  
телеграм канали.

## Кунни кеча эса қуйидаги хабар тарқалди:

Шайхонтоҳур тумани Санитария эпидемиологик осойишталик марказининг маълумотида асосан, COVID-19 инфекцияси аниқланган ўқитувчилар фаолият юритаётган Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 40 ва 262-сонли мактаблар фаолияти эҳтиёткорлик ҳамда хавфсизлик максалида Маҳаллий кенгаш қарори билан вақтинча тўхтатилди.

Қашқадарёда эса 855 нафар ўқитувчи коронавирусга гумон қилинган. «Шу кунга қадар Қашқадарё вилоят СЭОМ ва унинг шаҳар ва туман марказлари

орқали 32 892 нафар педагог ходимлардан вирус таҳлиллари олиб ўрганилди. Лаборатория текширувидан ўтган 855 нафар ходим вирус юқтирилганда гумонланиб, дастлабки худосалар берилди», дея хабар берди Қашқадарё вилоят СЭОМ ахборот хизмати.

Мана шундай хабарлар оқимида аслида таълим тизимига ким масъул, фарзандларимиз таълим олиши учун ота-оналар нима қилсин, деган энг асосий саволга жавоб қутиб қоламиз.

## ЎТ БАЛОСИДАН

ўзингизни ва

хонадонингизни асранг

Аҳоли турар жойларида содир бўлаётган ёнғинлар таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, фуқаролар ёнғин хавфсизлиги қондаларини билсалар-да, унга локаллик билан қарайди. Оқибатда бу қутилмаган қатта фалокатни келтириб чиқариши мумкин.

Сир эмаски, куз-киш мавсумида ёнғинлар сонининг орғиши кузатилади. Бунга эса, кўнлаб фуқароларимизнинг хонадонлар ва иш жойларини негатишга газ ва электр ускуналаридан нотўғри фойдаланганликлари сабаб бўлмоқда. Шунингдек, хазон ва шох-шаббаларни ёқиб, пиротехника воситаларини ишлатиш қабилар ҳам ёнғинларни келтириб чиқариши мумкин.

Жорий йилнинг 5 сентябрь куни кечки найт Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчасида жойлашган «Машҳур Голдин Пласт» МЧЖга қарашли парда безаклари ишлаб чиқариш пехида ёнғин келиб чиққан. Ёнғин натижасида цехнинг ички ва том қисми 150 кв.м майдони ёнган. Ёнғин-қутқарув жантовар бўлимлари вақтида етиб бориб, кўрилган тезкор чоралар натижасида ёнғин тўлиқ бартараф этилган ҳамда цехнинг 800 кв.м майдони сақлаб қолинган.

Биз, ёнғин хавфсизлиги ходимлари барча фуқароларни оловдан унумли ва жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланишга чақирамиз. Уйдан чиқиб кетаётганингизда электр ва газ ускуналарини ўчиришни унутманг. Айниқса, болаларингизни ёнғин қолдирманг. Сизнинг келажагингиз бўлсин азиз фарзандларингиз ўт балоси туфайли бир умрга ногирон бўлиб қолишларига ёки умри зомин бўлишига йўл қўйманг.

Тоҳир НОРМАТОВ,

ЎзМТРК ЁТТЭБ ва ИБ мутахассиси,  
сержант





Бир пайтлар ўз даврининг кучли механизми бўлган бир қадам олдинга, икка қадам орқага тамойили, афсуски, ҳали-ҳануз жойлардаги айрим раҳбарларнинг кун тартибидан узил-кесил чиқиб кетолмаётгани ачинарлидир.

Маъмурий буйруқбозлик, ортиқча қоғозбозлик каби иллатлар нафақат бугунги кун кишининг, балки келажак авлоднинг ҳам турмушига жиддий хатар сифатида соя солиши муқаррар.

Бу гапларнинг ёзилишига ижтимоий тармоқлардан бирида эълон қилинган куйидаги фикр сабаб бўлди.

### «Завучларни асрайлик!

Мактабга эртарок бордим. Мактаб қоровулхонасидан завучимиз чиқиб келди. Сочлари тўзғиган, кўзлари қизарган.

— Ака, тинчликми, нима бўлди? — деган саволимга бошини чайкаб:

— Э, ука, мен гапирмай, сен эшитма. Бугун ҳам шу ерда қолдим. Юқоридан берилган топшириқлар кўплигидан улгура олмаётман.

— Ака, завучнинг папкалари 27 тадан қамайтирилиб 4 та қолди дейишгандики.

— Э, содлагина укам. Илгари 27 та папкада 3-4 тадан хужжат бўлар эди. Ҳозир 4 та папкада 100 тадан хужжат бор. Камига мана бу қўшимча топшириқлар...

**P.S. Математика ўқитувчимиз айтгани рост экан: қўшимчаларнинг ўрни алмашгани билан йиғинди ўзгармас экан...**

Бу ижтимоий тармоқдаги фикр-мулоҳазалардан бири ҳолос. Биз унинг тўғри-нотўғрилиги ҳақида баҳс юритмокчи эмасмиз. Зеро, уни шу жараёнларнинг жонли гувоҳлари яхши билишди. Хусусан, мутасадди ташкилотлар ҳар қандай қоғозбозликка аллақачон барҳам берилгани, ҳозирда ўқитувчи фақат дарс бериш билан банд эканини муттасил таъкидлаш позициясида мустаҳкам туриб келмоқда. Шу тизимда ишлайдиганлар эса, ҳақиқий ҳолат ҳақида фақатгина ўзаро гаплашиш ҳуқуқидан унумли фойдаланишади. Улардан биронтаси бу ҳақда кимгадир оғзидан гуллаб қўйса, кейин унинг қаерда ишлаши ёки қаерда яшаши гумон бўлиб қолиши мумкин. «Тузини еб тузигига тупурган» бундай педагогнинг меҳнат жамоаси кечирариди?..

### Сирли жадвал

Автобусда икки аёл гаплашиб кетишган экан. Уларнинг гапи нима ҳақида эканини унча яхши англолмадим. Бири айтиптики, ишхонасига юқоридан бир жадвал келганмиш. Шунинг билан тўлдириб бериш зарур эмиш. Ўша сирли жадвалда барча уруғ-аймоғи ҳақида тўлиқ маълумот сўралган эмиш. «Ўзим кўча супуриб, томда ўтириб, жадвал тўлдириб тинкам қуриганда бу кўрғиликлар ҳам бор экан-да, дугонажон...» дейди бояқши жувон йиғлагудек бўлиб. Унинг айтишича, яқинда қайнонаси ўтиб қолган экан, унинг ҳамма хужжатларини расм-русумини қилиб, тегишли жойга топшириб юборишди. Энди эса, ишхонасидан юқоридан келган боғи савил жадвалда ўша зорманда хужжатнинг рақами сўралаётган эмиш. Жувон архивдан шунини билолмай бир

# «ҚОҒОЗБОЗЛИК АЛЛАҚАЧОН ТУГАГАН!»

деб ҳисоблайдиганлар ўқимасин

хафтадан бери оввора эмиш. Сабаби — карантин. Архив маълумотни фақат электрон шаклда берармишу, лекин ҳали маълумотларни электронга айлантириб улгуришмаганмиш. Ишхонаси эса, «шу жадвални тўлдириб бермасанг, сен ишда йўқсан», деб илдоа қилаётган эмиш. «Ахир, ман ҳар кунни уззу-кун ишдаману, ишлаган кунларим йўқ бўлиб кетаверадимиз энди?..», дейди бечора жувон дийдиё қилиб.

«Кечирасиз, синглим, сиз қайси ташкилотда ишлайсиз? Марҳамат қилиб, кераксиз жадваллар билан бошингизни оғритаётган ташкилотнинг юридик номи ва манзилини бизга билдириб-чи?» деб сўролмайсиз. Ўзи кўзёши тўкиб ўтирган бир мусибатзада бўлса... Мабодо сўраб қолсангиз, дарров ўзини ўнглаб олиб: «Вой, акажон, сал шамоллаб қопман-да, шунга алжираб ўзим билмаган ҳар хил гапларни айтадиган бўлиб қопман. Аҳамият берманг-а?..» дейиши табиий. Сўнг орқа-олдига қарамай автобус эшиги очилиши билан ўзини ташқарига уриши аён. Бундай



дан ўзинг билиб оласан. Бу ёғи «ўрага сичқон тушди — гулдур-гуп!»

### Қоғози борми?

Карантин кунларининг бирида чирокка пул тўлагани бордим. Бир юз саксон учинчи рақамни олиб навбатга турдим. Ҳамма ёқда карантин. Халққа ётпасига электрон ҳисоблагич ўрнатишиб, уни тезда рўйхатдан ўтказиш талабини қўйишди. Бирон ташкилотнинг олдида юз эллик-икки юз кишининг масофа сақлаб кутиб туриши учун махсус жойлар ҳозирланганини кўз кўриб-қулоқ

меҳнат шартномамизга зид бўлади. Ишдан кейин борганимнинг фойдаси йўқ, барибир ҳеч кимни тополмайман. Шунда мен коммунал тўловлар идорасига қачон боришим мумкин? Мен каби ишчан одамлар учун айрим жойларда коммуналчи ходимлар уйма-уй юриб, бурнимнинг тагига касса машинасини обориб, хизмат қилишяпти-ку, дерсиз. Жуда тўғри. Лекин ўша кунлари мен ҳам ишда бўламан-да. Мен учун энг қулайи вақт сарфлаб, навбат кутиб юрмасдан электрон тўлов қилиш. Шундай қилсам, тўлаганим ҳақида патта ҳам олсам, кейин яна бир янги муаммага дуч келаман. Энди уни тегишли идорага олиб бориб, компьютерга тушган-тушмаганини аниқлашиб, расмийлаштириб келишим керак. Бунга яна шунча вақт кетади. Демак, менинг қилган тўловим расмий эмас. Хўш, унда норасмий тўлов қилиш тизимининг чарх уриб ишлашига ким йўл очиб қўйди? Агар мен яна идорага бориб, навбат кутиб, қўлимдаги тўлов ҳақидаги хужжатни тасдиқладиган бўлсам, унда электрон тўлов қилишимнинг нима хожати бор?

Бу ишларимиз Афанди ҳақидаги машҳур латифани эслатади.

Афанди бир кунни уйда ҳеч вақо қолмагач, тўрт-бешта пишиқ ғиштни майдалаб, қопга солибди-да бозорга борибди. «Сичқон дорининг зўри келди! Фойдалилигига юз фоиз қафолат бераман! Қани, тугаб қолмасдан тез-тез опқолинг!» деб мактаб-мактаб сота бошлабди. Шунда харидорлардан бири келиб, бу дорининг қандай ишлатилишини сўрабди. «Бу жуда осон, — дебди Афанди. — Фақат олдин сичқонни ушлашингиз керак бўлади. Кейин думидан ушлаб, ерга яхшилаб қирқ марта урасиз. Сўнг қоридан қитиклайсиз, шунда у оғзини очади. Ана шунда мана шу доридан оғзига солиб, бошини бор кучингиз билан яна қирқ марта топга урсангиз, дорининг ҳақиқий таъсирини кўрасиз», — дебди. Мижоз хайрон бўлиб: «Ахир сичқонни ушлаб шунча ургандан кейин у дорисиз ҳам ўладику?» деса, «Ҳа, энди бу ҳар кимнинг ўз ихтиёридаги иш: ундай қилса ҳам бўлаверади, бундай қилса ҳам», — деган экан.

Бу шунчаки латифа ҳолос. Лекин реал ҳаётдаги баъзи бир ҳолатлар негадир ана шу латифадаги ҳолатга жуда-жуда ўхшашиб кетиши кишини хайрон қолдиради...

**P.S.: Юқоридаги гапларнинг қанчалик ҳаётийлиги қоғозбозлик билан асосланган ҳодиса эмас. Улар халқнинг кундалик турмушида ўзининг рост-ёгонлигини аллақачон исботлаб бўлган, эндиликда исбот талаб қилмайдиган ҳаётийликдир.**



гапларни бировга айтгандан кўра, бир-икки бекатни пиёда босиб ўтган авло. Шунда тинчгина яшайди.

Бир опахонга «Яқинда маошингиз ошаркан-а? Яхши бўпти, машаққатли меҳнатингизни қадрлаб, сизларга моддий кўмак бериладиган бўлибди-да?», десам, опа ҳам тўлиб турган эканлар: «Ҳа, маошимиз тарикдай, устимизга келадиган топшириқлар тоғдай ошадиган бўлди...» деб жавоб қайтарди. «Нега?» десам, «Шутгина маошимизга суткада йигирма беш соат ишлаяпмиз. Маош ошса, яна қайси вақтимизга ишлаймиз-а?» — деб қолди. «Юқоридан ҳар кунни камда тўртга-бешта топшириқ тушади. Уларнинг ҳаммасига «лаббай» деб жавоб беришга одамнинг умри етмаяпти. Мана, охириги бир ой ичидан ишхонамиздан қанчаси у ёққа кетди. Бир ҳисобда улар ҳар кунни жадвал тўлдириб, ҳисобот топширишдан қутилишди, дейман.

Кун бўйи жадвал тўлдирадиган одам қачон ишлайди-а, ўзинг айт қани? Ишламайди! Фақат жадвал тўлдирди. Ҳисобот тайёрлайди. Яна расмлари билан!» «Йўғ-э?! Ҳисоботниқу майли бир амалларсиз, лекин расмини қаердан топасиз?» «Бу — «секрет»! Ҳаммага айтилмайди. Қайдан биламан сан бунини мақсадда сўраясан? Агар қалланг ишласа, нега ишхонамизга фотопиюни яхши биладиган йиғинни чўнтагимиздан пул бериб, тез-тез чақираётганимиз

эшитмаган. Навбат кутаётганларнинг кўпчилиги қариялар. Лекин навбатга келганлар масофа сақлаб, битта-битта ичкарига қияпти. Ичкарида шунча аҳолига бир киши хизмат кўрсатапти. Қолган ходимлар карантинда.

Бу савил коммунал хизматларга пул тўлашнинг онлайн тизими йўқми? Бор! Лекин ҳеч ким ундан фойдаланмайди. Сабаби, қоғоз керак-да! Бир энлик қоғози бўлмаса, пул тўлаганингизни ҳеч қанақасига исботлай олмайсиз!

Бир кунни эрталаб қўшним келибди. Унинг коммунал тўловлар учун тўлаган пули менинг ҳисобимга тушиб кетганмиш. Шунга бирор кун иккимиз бориб, компьютердан тўғрилигиб келишимиз керак экан. Мен компьютерни танимамас, унинг чўнтаги бўлмаса, қанақасига шунча пул менинг ҳисобимга тушиши мумкин? «Компьютер адашган, ака!» — дейди қўшним хайратимга жавобан. Унда нега биз ҳамма ишни одамларга эмас, компьютерларга ишониб топшириб қўйибмиз? Ҳа, майли компьютер-ку, адашибди, бу нарсани ходимлар аниқлабди, энди яна нега икки кишини овора қилиб, идорага чақиряпти?

Менинг иш вақтим ҳафтасига олти кун тўққиздан бешгача. Яқшанбада дам оламан. Худди шу кунни компьютер ҳам, ўша идора ходимлари ҳам дам олишда бўлади. Унда мен ўша идорага қачон боришим керак? Иш вақтида боришим иш бевуви билан тузган





## Санъатга илк қадам

Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида 1966 йил 21 июнда туғилганман. Онам Офтобхон Усмонова рус тили ўқитувчиси эдилар. Шунинг учун боғчада рус тилига ихтисослашган гуруҳда ўқиганман. Туман марказидаги 1-ўрта мактабда саккизинчи синфгача ўқидим.

Аллоҳ юктирмас аҳч бир касбнинг ҳақиқий эгаси бўла олмайсиз. Бунга эса доим нимадир сабаб бўлади, туртки беради, деб ўйлайман. Отам савдо ходими бўлганлар, Бешариқ тумани марказидаги универмагнинг маданий бўйлар бўлимида ишлардилар. Бир куни дарсад чиқиб, отамнинг ишхоналарига борсам, янги рубоб, дутор, доираларни катта машинадан дўконга туширишгаётган эканлар. Бир йилгити рубобда «Тулноз» деган куйни чалмоқда. Ҳозир эсласам, у ўша куйни жудаём бечора ҳол қилиб чалган экан, лекин рубобнинг сеҳрли овозини эшитиб, шу ондаёқ бу чоғу асбобига меҳрим тушган эди. Ўша кундан бошлаб отамга рубоб олиб беришларини яланиб сўрай бошладим. Бизни оилада, авлолда санъаткорлар чиқмагани учунми дадам бу касбни эгаллашимга қаршилик қилганлар, балки шунчаки бир қизиқиб деб ўйлагандирлар. Лекин уч йил ўтсада, ҳамон рубобга иштиёқим баланглигини кўриб, ниҳоят олиб берганлар.

Кейин, бешинчи синфлигимда муסיқа фанига ихтисослашган мактабга ўқишга берганлар. Биринчи устозим Қурбонали ака Раҳматжонов менга ноталарни ўргатиб, Ахрор Усмонов бўлишимга пойдевор қўйганлар. Эҳтимол ота-онам ўшанда рубоб олиб беришмаганда санъаткор бўлмасдим.

## Ботир Зокировнинг дуоси

Бу орада мактабдан ташқари муסיқа мактабида беш йил қашқар рубоби йўналишида таҳсил олдим. Ўша йиллари вилоят ва республика бўйича «Санъат байрами» номи катта танлов бўлар эди. Шу танловнинг республика босқичига чикиб, фахрли учинчи ўринни қўлга киритганим эсимда. Мана шулар мени санъат йўлига бошлагандир балки...

Эсимда, эстрада санъатимиз асосчиси Ботир Зокиров водийга келиб қолсалар албатта бизнинг уйда меҳмон бўлардилар. Отам билан қалин дўст эди. Танловда учинчи ўринни олганимни эшитган Ботир ака: «Агар ота-онангни, дўстларингни, жигарларингни ҳурмат қилмасанг, кирланлиб кетсанг дунёнинг лауреати бўлсанг ҳам бир тийинга қиммат бўлади, болам», – дедилар. Аввалига бу гапдан хафа бўлдим. Танловда ўрин олдим, дея ҳаволаниб юрган бўлсам керак-да. Индамай ерга қараб қолганимни кўрган Ботир ака ўридан туриб, қўлимни маҳкам сиқиб мени кучоклади, кейин кафтини очиб шундай дуо қилгани ҳали-ҳамон кўз олдимда: «Илоҳим халқнинг, миллатимизнинг севинли санъаткори бўлгин...»

## Ахрор УСМОНОВ:

# «ЎША ҚАРҒИШДАН МЕН ЖУДА-ЖУДА ҚЎРҚАМАН»

« Бугунги меҳмонимиз таниқли хонанда, юртимиздаги даярли ҳар бир тўй-томошада қўшиқлари албатта қуйланадиган санъаткор Ахрор Усмонов. Мухлисларнинг талабига асосан, хонандага савол бермадик, ҳаммасини ўзи бир бошдан айтиб берди.

Мактабдан сўнг Фарғонадаги санъат билим юртида тўрт йил ўқидим. Кейин пойтахтдаги консерваторияга ҳужжатларимни топшириб, ўқишга қабул қилиндим. Ўқишим мобайнида ҳарбий хизматга қақришди. Хизматни Тошкент шаҳрида ўтаганман. Баъзан дам олиш кунлари тўйларга қақришарди. Тўйхонага тақлиф қилаётган суҳандонлар «Аскар бола келди, кутиб олинг!» деб эълон қилишарди (қулиб).

## «Икки кўз кўр бўлса бўлсин ...» кўшиғи аслида кимники?

Биласизми, бу кўшиқ асли меники эмас. Фарғонадаги уйимни таъмирлаётган кезларимда бир муддат Фарғона санъат билим юртида бирга ўқиган акамизнинг уйда яшаб турдим. Рамазон ойи эди, эрталаб оғиз ёпаётган пайтимизда Фарғона телевидениясидан бир йилгити «Икки кўз кўр бўлса бўлсин, қалб кўзи кўр бўлмасин...» дея қўйлагани диққатимни тортди. Беихтиёр кўшиққа махлиё бўлиб қолдим. Эртаси куни ҳам худди ўша пайтда шу кўшиқ янгради. Бу кўшиққа чинакам ошиқ бўлиб қолгандим.

Сўрасам, бу кўшиқ ижросини Абдусалом ака Солиев экан, асли Бувайда туманидан, Фарғона шаҳрида малака ошириш институтида ишлар экан. Шу орада уйимнинг таъмирлаш ишлари тугади. Янги уйга Абдусалом акани тақлиф қилдим. Ош устида ўша кўшиқ менга жуда ёққанини айтдим. «Рухсат берсангиз яқинлар, дўстлар йиғилганда шу кўшиқни айтиб турсам майлими?», – деб

сўрадим. Абдусалом ака рози бўлдилар. Шундан кейин кўп дўстлар, танишлар шу кўшиқни ёқтириб қолишди, қайси даврага борсам ўша кўшиқни сўрашарди. Бир йилгити «Шу кўшиқнингизни студияда ёзиб бериңг, машинада кассетга қўйиб эшитиб юраман», дея қаттиқ илтимос ҳам қилди.

Анча вақт ўтиб йилгити зияд кўшиғимни студияда ёздирди туриб, ўша вақдам эсимга тушиб қолди ва шу кўшиқни ҳам ёздим. Кўшиқни эшитиб, студиядагилар буни ҳам албонга қўшамиз деб туриб олишди. Охири Абдусалом акага телефон қилиб, сўрадим. У киши майли дедилар, фақат менинг номим йўқ бўлиб кетмас бўлди дедилар. Ўшандан буён каерда, қайси даврада айтсам, бу кўшиқ Абдусалом Солиев кўшиғи эканини албатта эслатаман.

## «Милтиқ кўтариб, Мухаммад Юсуфдан шеър сўраганман...»

Ёшлигимизда отам раҳматли бизни ўзлари билан бирга тез-тез овга олиб чиқардилар. Сахарга яқин шамолда ўрдақлар бемалол пастлаб учаётган пайтда чиқардик. Шундай қилиб, овчилик қон-қонимга сингиб кетган. Тўқсонинчи йиллар, ёш йилгити қонимиз жўшиб турган кезлар эди. Бир куни дўстим Нуриддинга «Юр, анҳор олдида қарғалар жуда кўп бўлади. Бир иккита қарға отиб, зоопаркдаги гепардни меҳмон қилиб келамиз», дедим. Зоопаркка бир борганимда оч ўтирган хайвонларни кўриб раҳим келган эди.

Хуллас, қарғаларни отиб, милтиқни шимимнинг ичига тикиб, устимдан пальтони кийиб, ҳеч ким қўрмайдиган қилиб беркитиб олдим. Хайвонот боғига бордик, аммо ўлжамиз гепардга эмас, сиртлонларга насиб қилди. Боғдан чиқиб, Навоий кўчасидан пиёда кетар эканмиз, шоир Мухаммад Юсуф иш жойи олдида ўтдик (шоирнинг шеърини тўпламларини ўқиб, каерда ишлашларини билиб олган эдим). Дўстим Нуриддинга Мухаммад акани кўриб чиқамиз, янги шеърлари бўлса кўшиқ қиламан, – дея, уни бино ичкарасига бошладим. Шоир хонасида экан, ўтириш учун бизни диванга тақлиф қилди. Нуриддин осонгина ўтирди, мен эса шимимнинг ичига милтиқ борлиғи эсимга тушиб нима қилишимни билмай қолсам, денг. Охири, нима бўлса бўлди дедимда, милтиқни чиқариб шу ердаги стол устига қўйиб қўйдим. Шоир хайрон бўлиб қараб турибдилар. «Шу десангиз Мухаммад ака, сиздан мабодо янги шеърларингиз бўлса олгани келган эдик», дедим беҳавотир, хотиржамлик билан. Мухаммад аканинг ранги оқариб кетдию, индамай хонадан чиқиб кетдилар. Биз ҳам ёрдамчиларига телефон рақимимизни қолдириб уйга қараб йўл олдик.

Уйга келсам ваҳима. Мухаммад ака уйга телефон қилиб, «Қанақа бола ўзи бу Ахрор дегани, менга келиб пистолет тираб шеър сўради», – деди. Уйдагиларга бунақа бўлмаганини тушунтирдим. Шундан кейин бир-икки марта шоирни учратганимда, узр сўраб, асл вазиятни тушунтирмакчи бўлдим, аммо, Мухаммад ака гаплашмасдан кетиб қолдилар.

Орадан анча вақт ўтиб, бир куни шеърини тўплам қўлимага тушиб қолди. Ўқиб туриб, бир шеър ёқиб қолди: «Мухаббатим қайдасан қалб ардоғим...» Муаллифига қарасам Мухаммад Юсуф экан. Шеърга қуй басталаб, кўшиқ ёздим ва Мухаммад акага телефон қилдим. Ўзимни таништирсам, Мухаммад аканинг яна эҳсоси қотди. «Оббо, хўп нима хизмат?» деди зўрға. Ака бир шеърингизни кўшиқ қилган эдим, эшитиб кўринг, дедимда магнитофонни баланд қилиб, телефон трубкасига яқинлаштирдим. Кўшиқ тугади. Шоир бироз жим турди ва ким айтган бу кўшиқни, деб сўради. Мен айтганман, дедим. Сиз ҳақингизда бошқача фикрда эканман, дедилар.

Мухаммад Юсуф билан шу тариха кадрдон бўлиб кетдик. Раҳматли Аллоҳ юктирган истеъдод эгаси эди, у билан ҳамкорликда кўп хит кўшиқлар яратганимиз.

## Ахрор Усмонов нега хизмат кўрсатган артист эмас?

Бунинг сабабини ҳеч қачон суриштирмаганман. Балки кимдир тўйга айтганда бормагандирман, балки, мени кибрли, такаббур, деб ўйлашар унвога тавсия қилувчилар. Эҳтимол бирор давлат тапкилотида ишламаганим учун ҳам бўлиши мумкин. Аввало инсон айбни ўзидан қидириши керак. Мен доим халқ хизматидаман, менга мухлис бўлиб, яхши кунига қақирган инсонни иложи борича ноумид қилмайман. Давлат тадбирлари-

Мен доим халқ хизматидаман, менга мухлис бўлиб,  
яхши кунига қақирган инсонни иложи борича ноумид  
қилмайман.





# ТУФИЛИШДАН ОЛДИНГИ ҲАЁТ

ёхуд уч зулмат ичидаги ёруғлик

да, жойларда халқ билан учрашувларда концерт кўйиб беринг дейишса ҳеч қачон йўқ демайман.

Аммо менинг табиатим шундайки, бировга эгилишни, мулозамат қилишни истамайман. Аслида истеъдод учун унвон берилади, олинмайди! Мен ҳам унвон олишга ҳеч қачон чиранмайман, ўзлари эътироф қилиб беришса бошқа гап. Бу такаббурликка кирмайди. Лекин мен ҳеч бир мухлисимни хафа қилмаганман. Агар бир мухлисим олдимга келиб, ака, шу куни кечкурун тўйда хизмат қилиб беринг, деб илтимос қилса, ўша куни кечга бошқа хонадонга тўйга боришим керак бўлса, кечаси ухласдан эргалаб ошга бориб, хизмат қилган кунларим ҳам бўлган.

Мен халқ хизмати учун тайёр бўлганман ва бундан кейин ҳам тайёрман. Лекин, тўғриси охириги пайтларда санъатни ташлаб кетгиларим келиб турибди. Чунки меҳнат кадрлари турмаса, ишдан беихтиёр совийди одам.

Ёшлигимизда мактабда адабиёт кечалари бўлар эди. Шундай тadbирларда ўқувчилар беллашганда, бахру байтлар айтишганда, ўртада танаффусда мен чиқиб рубоб, доира чалиб, залдагиларни хушнуд қилардим. Тадбир тутагач қўлимизга ё бир фахрий ёрлик, ёки битта китоб бериларди. Бу бизни руҳлантирарди.

Мана, Охунжон Мадалиев, Мухриддин Холиқовлар ўтиб кетишгандан кейин хотира концертлари қилишиб, шу ерда ҳам баъзи бирлар билет сотиб пул ишлашди. Ана шу инсонларни ҳаётлик пайтида кадрга етиб, хурматини жойига қўйса бўларди-ку?!

Мен ишонаманки, ҳар кимга аталган гўзал мукофотлар бор, албатта. Ўз насибаси билан ҳамма бунга эришади, кечикяптими, демак, бунда бир ҳикмат бор.

## Энг ёмон қарғиш урмаяптими бизни?

Ривоятларга кўра, бир тилини қарғишдан тинмайдиган кампир бўлган экан. Бир йигит ўша кампирни излаб келибди. Чеккадаги кичкина кулба эшигини тақиллатса, ичкаридан кампир: «Оғзингдан қонинг келгур, қимсан?» дебди. Йигит «Ассалому алайкум, онахон, майлими кирсам?», – дебди. «Ҳа, жувоимарг, сенга нима керак?» дебди. Шунда йигит мулоимлик билан «Онахон, менга айтингчи, дунёдаги энг ёмон қарғиш нима?» деб сўрабди. Аёл жим бўлиб қолибди ва бироздан кейин кўзида ёш билан: «Илоийм, она тилингдан айрилгин» деган қарғиш энг ёмон қарғиш бўлади, деган экан.

Она тилимиз ва санъатимиз ҳозир тора қашшоқлашиб, жар ёқасига келиб турибди. Европача одатларни ёптасига тарғиб қиялпмиз. Тўйларда келин-куёв валс тушади, телевидение, радиода фақат ажнабий кўшиқлар ёки ўзимизнинг санъаткорлар ажнабийча сўзлар, ажнабийча қилиқлар билан айтаётган кўшиқлар янграмоқда.

Яхшим «Ўзбекистон» ва «Маҳалла» радиоси бор, миллий кўшиқларни ҳам қўйишади. Телевидениенинг «Наво» канали бор-а? Муסיқий канал. Кечаси соат 12 дан кейин миллий кўшиқчилар — Камолиддин Раҳимов, Гиёс Бойтоев, Охунжон Мадалиев, Санобар Раҳмонова кўшиқларини қўйишади. Кундуз куни эса «Юрагимсан жонимсан-эйий, эркаланма ўббо, нозланма ўббо, асалимсан лаблари памадаеес...»

Баъзида ўша ривоятдаги кампир айтган энг ёмон қарғиш бизни урмаяптими-кан деб ўйлаб қоламан. «Илоийм, она тилингдан айрилгин», деган қарғишдан мен жуда-жуда кўрқаман.

Азизбек АБДУМАЛИКОВ  
ёзиб олди.

Оламдаги ҳар бир ҳодиса сабаб ва қонуниятларсиз вужудга келмайди. Аллоҳ таоло табиат ҳодисаларини бир-бири билан мустаҳкам боғланган қонуниятлар асосида барпо бўлишига боғлиқ қилиб қўйган. Бу қонуниятлар шунчалик дақиқ ва мукамалки, уларнинг бири издан чиқса, бошқасига таъсир қилмай қолмайди.

Аммо Аллоҳ таоло ҳар бир нарсага қодир. Гоҳида Ўзи бу қонуниятлардан бошқа ҳодисаларни ҳам пайдо қилиши мумкин. Мисол учун инсоннинг бир ота ва онадан вужудга келиши табиий бир ҳодиса. Аммо Аллоҳ бу ҳолатдан бошқа кўринишда ҳам инсонни яратишга қодир. Бунга Исо алайҳиссаломнинг фақат бир онадан туғилганини мисол қилиб келтириш мумкин.

Шунингдек, табиатдаги ҳодисалар аста-секинлик ва босқичма-босқич тадрижий равишда ривожланиб боради. Буни инсонни яратишида ҳам кўриш мумкин. Яратувчи Зот инсонни бир неча босқич ва ҳолатларда яратганини Қуръони каримда баён қилган. Бу яратиш босқичлари эса, ҳозирги замонавий воситалар орқали текширилганда муқаддас китоб баён қилганидек эканини кўрсатади. Аллоҳ таоло «Нух» сурасининг 14-оятда шулай баён қилди:

«**Ҳолбуки, У сизларни (она қорнидаги вақтингиздан бошлаб) босқичма босқич яратган бўлса.**


Аллоҳ таоло одамни Ер жинсидан яратишни бошлаганининг хабарини берган. Қуръонда бу модда турли номлар билан аталади. Албатта бу номлар уларнинг хусусиятидан келиб чиққан. Масалан, инсон яратилган моддалар «тейн», «стуроб», «солсол», «ҳамаим-масун» деб марҳамат қилинади. Одам авлодлари эса она қорнидаги ривожланиш босқичлари-

(бачадон)даги маний қилдик. 14. Сўнгра манийни лахта қон қилиб яратдик, бас, лахта қонни парча гўшт қилиб яратдик, бас, парча гўштни суяклар қилиб яратиб, суякларга гўшт қопладик, сўнгра (унга жон киргизиб, олдинги ҳолидан бутунлай) бошқача бир вужудни пайдо қилдик. Яратувчиларнинг энг гўзали – Аллоҳ барокотлидир!» (Муъминун сураси).

Оятда инсон ривожланиш босқичлари бирма-бир зикр қилинмоқда. Аллоҳ таоло она вужудига тушган ота уругини бирданга инсон шаклида яратмади. Балки, ўзигагина аён бўлган ҳикматга кўра, тадрижийлик асосида ривожланиб боришини ирода қилди. Оятдаги «**бошқа бир вужудни пайдо қилдик**» жумласи алоҳида эътиборга лойиқдир. Олимларнинг таъкидлашича, эмбрион иккинчи ойнинг аввалида бир сув жонзоти шаклида бўлади. Иккинчи ой давомида унда бутунлай бошқача ўзгаришлар содир бўлиб, инсон шаклига ўтади. «**Бошқа бир вужудни пайдо қилиш**», дегани мана шу ҳодисадир.

Замонавий текширувлар инсоннинг она қорнида ривожланиши тўғрисидаги оятлар мазмунига сўзма-сўз мос келмоқда. Узоқ йиллар шу соҳада илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчи К.Л.Мур шундай дейди: «Етти ҳафта давомида, суякларнинг ривожланиши босқичида

Қуръони карим табиат ҳодисаларини ёки бошқа жараёнларни тушунтириб берувчи махсус китоб эмас. Шунга қарамаздан ундаги маънолар қўламини барча нарсаларни қамраб олган.



да «нутфа», «алак» ва «музға» деган ҳолатлардан аста-секин келиб чиққан.

Инсон эмбрионининг ўсиш жараёни Қуръони каримда қандай баён қилинганига эътибор қаратмоқчимиз. Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

«12. Қасамки, Биз инсонни (Одамни) лойнинг сарасидан яратдик. 13. Сўнгра уни (инсон наслини, аввало) мустаҳкам қароргоҳ

скелетнинг шакли эмбрионнинг умумий кўринишини белгилаб беради. Мушаклар бир вақтнинг ўзиде ривожланмайди. Уларнинг ривожланиши кейинроқ бошланади. Мушаклар бутун тана бўйлаб суяклар атрофида ўз жойларини эгаллайди ва шундан сўнг суякларни қоплаб олади. Мушаклар билан қоплаб олиш саккизинчи ҳафта давомида содир бўлади».

Шунингдек, Аллоҳ таоло инсоннинг она қорнида ривожланишининг уч босқичи борлигини ҳам Қуръонда хабар берган:

«У сизларни оналарингизнинг қорнида уч (қават) зулмат ичида аста-секин яратур».

Уч қоронғилик – зулмат қуйидагилардан иборат:

- 1) қорин бўшлиғи қоронғилиги;
- 2) бачадон қоронғилиги;
- 3) йўлдошнинг қоронғилиги.

Қорин бўшлиғи ён деворлари ҳам учта қатламни ташкил қилади: ташки, ички ва қўндаланг қорин мушаклари.

Бачадоннинг девори ҳам учта қатламдан иборат: ташки, мушак, ички қисмлар.

Эмбрионни ўраб турган йўлдош ҳам уч қатламдан ташкил топган: амнион (*ҳамила атрофидаги ички мембириана*), хорин (*ўрта амнион қатлами*) ва дисидуа (*сиртқи амнион қатлами*).

Инсоннинг туғилишидан олдинги ҳаёти уч босқичга эга:

- 1) дастлабки эмбрионал босқич – биринчи икки ярим ҳафта;
- 2) эмбрионал босқич – саккизинчи ҳафтанинг охиригача;
- 3) ҳамила босқичи – саккизинчи ҳафтадан онанинг кўзи ёригунгача давом этади.

Дастлабки эмбрионал босқичи – биринчи босқичда зигота бўлиниши орқали ўсали ва хужайралар тўдасига айланганидан сўнг, ўзини бачадон девори ичига беркитади. Ўсиш давомида бу хужайралар ўзини у қатламга ажратади.

Эмбрионал босқич беш ярим ҳафта давом этади. Бу даврда бола «эмбрион» деб аталади. Бу босқич мобайнида бола танасининг асосий аъзолари ва тизим хужайра қатламларидан пайдо бўлади.

Ҳамила босқичидан бошлаб бола «ҳамила» деб юртила бошлайди. Она қорнида иккинчи ойнинг охиридан (*тўққизинчи ҳафта*) бошлаб туғиш вақтигача (*40-ҳафта*) давом этади. Тўққизинчи ҳафтада ҳамила инсон қиёфасига киради. Бу даврда ҳамила-нинг боши, кўзи, бурни, оғзи, танаси, қўл-оёқлари аниқ бўлади.

Юқорида зикр қилинган оятлар нозил қилинган даврда илм-фан ҳозиргидек таракқиётга эга эмас эди. Бу оятлар мазмунини инсоният XX асрга келибгина тушиниб етмоқда.

Қуръони карим табиат ҳодисаларини ёки бошқа жараёнларни тушунтириб берувчи махсус китоб эмас. Шунга қарамаздан ундаги маънолар қўламини барча нарсаларни қамраб олган. Қуръонда инсонни тафаккурга ундовчи оятлар кўп. Инсон оламни тафаккур қилиб борган сари Яратувчининг қудратига шохид бўлади. Одамнинг яратилиш ҳолатларининг ҳар бир босқичида чексиз ҳикмат ва маънолар яшириган. Инсон уларни ўргангани сайин ўзлигини ҳам англаб бораверади.

Дилмурод СОБИРОВ,  
Андижон давлат  
университети катта ўқитувчиси



# ТУШДАГИ БАХТ

(Йиглоқи синглимнинг орзуси ушалди)

Туш кўряпман, тушимда дадам менинг ёнимда. У мени уйғотди, кўлидаги «Кока-кола»ни тутиб, «қизим, сув ич, сенга олиб келдим» деди. Сапчиб турдим, ўгирилиб қарасам ҳеч ким йўқ. Бехосдан телефонимнинг ёниб-ўчаётганига кўзим тушди (аслида овозсиз қилиб қўйдим). Не кўз билан кўрайки, дадам менга кўнгирак қияпти. Ҳа-ха, телефоним экранда дадажонимнинг рақамлари, яна қайта-қайта чиқапти. Аввалига уйқум очилмай қараб турдим, кейин гўшақни кўтардим.

— Алло-ло...

— Қизим, яхшимисан? Нега телефонингни кўтармайсан? Мени эслаб турасизларми? Онанг қалай, тузукми? Синглинг яхшими, унияш овозини бир эшитай...

Нахот бу овоз, хол-аҳвол сўрашлар отамдан бўлса?! Бу ҳолатни туш кўрмаётганим, ўнгимда рўй бераётганига ишонч ҳосил қилган синглимни туртдим. Унинг дадамиз билан гаплашишга кучи етмади, йиғлаб юборди ва ўқисид йиғидан ўзини тўхтамолиди. Қандай ўзини тутсин, ахир

12 йил деганда отамиз биз билан гаплашишни истаяпти. Ёши улғайиб, бизга бағрини очаяпти, балки. Мен жигаримнинг юзини сидириб оқайтган кўз ёшларига чидаб туролмасдим, гарчи бу томчи ёшларни кў-ўп кўрган бўлсам ҳам. Бу чарос кўзчалардан отилган дардни мен олти ёшимдаёқ пайкаганман. Синглим мендан бир ёш кичик, яъни беш ёшда эди ўшанда. Отамиз биздан, ҳали туғилмаган яна бир норасидани қорнида кўтариб юрган онамдан воз кечганига ҳали кўп вақт ўтмаган. Бечора чарос кўзлим ота меҳрини энди ҳис этган даврлар экан, энди ўйласам. Чунки у ширингина, кичкинтой, оппоқ қизча эди. Мен эса қорачадан келган йирикроқ эдим. Табиийки, дадалар кенжа фарзандни бошқача эркалатишади. Синглим мана шу меҳрни қумсаб анча йиғлоқи, кайсар, «ичимдагини топ» бў-

либ қолганди. Яхши эслаيمان: у хар куни «дадам, дадажоним» деб ухлаб қолар, «дадам» деб тонгни қарши оларди.

У холам (биз уникида яшаганмиз) ишга кетиши билан уй телефонида тўғри келган рақамни айлантириб терарди. Баъзида аёл кишининг «адашди» деган овози келса, баъзида «я слышу» дейишарди кимлардир. Аввалига нима қилаётганига эътибор бермаганман. Бу болаларча ўйинкарокликка ўхшарди. Шундай кунларнинг бирида синглим бақир-чақир билан телефонда дадасини чақиргандай бўлди. Ёнига келиб кулоқ тутдим. Кейин билсам у хар гал турли рақамларни таваккал босаверган. Трубкани ким олса, дада ҳақида сўраган. У ўз кўнглида отамизни излаб топмоқчи бўлган экан-да. Ахйир, тасодиф бўлиб «Алло...» деса, бир эркак киши гапирган. Англашимча,

синглим ҳовлиқиб «Дада, дада, мен Севинчман, қизингиз» деган. У киши бўлса шартта гапни бўлиб, «Менинг Севинч деган қизим йўқ» деб гўшақни босиб қўйган. «Дада, мен Севинчман, танимадизми» деганча мурғак синглим йиғи аралаш зорланиб қолди. Тўсатдан телефон гўшагини жаҳл билан силтаб дол солиб йиғлай бошлади. Унинг алам билан «Севинч деган қизим йўқ, деди, дадам учун йўқ эканман» деган ноласи бола англайдиган дард эмасди.

Шу-шу синглим «дадам мени танимади, дадам мени яхши кўрмайди», деб маъзо тортди қолди. Мана шу зарба, синглик шўх-шаддоқ қизчақин қалбини бир умрга яралади. Ҳозиргача у ҳеч кимдан меҳр қутмайди, меҳр бериши ҳам мушкул. Ҳеч кимга ишонмайди, ишонтира олишиям қийин. Ҳеч кимдан ёрдан

сўрашга ботинолмайди, ўзи ҳам ён-веридигиларга қарашгиси келмайди. Яна шунисиям бор ҳақиқатки, иккаламизнинг ҳам кемтик кўнглимиз ҳеч тўлмади, синиқ қалбимиз эса бутланмади. Шунча йиллар ичида не-не синовли кунларни кўрмадик. Волидаимизни заифу хаста кўрганмизда, оналигу оталику юки қалдини букканида бизнинг кўлимиздан ҳеч нарса келмасди...

Бироқ бугун мен отамнинг дуога очилган кўлларида тилга олинганимни, унинг учун кадрим борлигини билиб севиндим. Бу бахтдан еттинчи осмонга ҳам учиб келдим, қанийди қувончим узокча чўзилса. Чунки бу ҳисларни мен тушларимда кўрганман, холос. Бу бахт шундайки, бутун олам шодлигини беради. Мактабга илк бор қадам қўйган кунимиздан токи балоғатга етганимизгача отаси борларга ҳавасимиз келди. Токи биз ҳам «дадам бундай қилдилар», «дадам уни олиб бердилар», дейишга орзуманд бўлиб улғайдик. Армонлар ушалши мумкинлигига умид боғладик, Дадажон!..

Сабина ТОШПҶЛАТОВА

«Онажоним пойтахтни кўрмаганлар. Ҳар гал улар билан телефон орқали гаплашганимда шаҳардаги ўзгаришлар, қурилишлар, азим Тошкентнинг ўзгача тароватини сўзлаб бераман. Қишлоққа борсам, албатта, Қамчиқ довоининг шифобахш, табиий гиёҳлари, тоғ эчкисининг қурутларидан олиб бораман. Кўзларида қувонч ёшлари билан узундан-узун дуо қиладилар.

## «КўЗЛАРИМ ЙЎЛИНГДА, БОЛАМ...»

Кеча онам тушимга кирибдилар. «Болам, омонмисан? Сени тушимда кўрибман. Негадир ҳардамхаёл, ковокларинг уюлган, шошиб-пишиб юрганмисан. Хавотир олдим. Соғиндим...» Бомдога уйғонганимда болишим жикқа ҳўл. Дарҳол телефон қилдим. Узок сўхбатлашдик. Яқин орадан буён яна эски дардлари — елкалари оғрий бошлабди... Титраб кетдим. Бўғзимга аччиқ йиғи тикилди.

Эсимда... Бугдой ўрими пайти. Далада иш қизгин. Ҳамма сомон йиғиштириш билан банд. Мен ҳали ўқувчи эдим. Трактор прицепига чиқиб болалар билан сомон юкладик. Бир зумда ишни бажариб бўлдик. Тележкадан тушиб, бир-икки қадам ташлашим билан темирнинг қаттиқ шарақлаган овозидан қулоғим шангиллади. Кимдир елкамдан мени ушлаб итариб юборди. Ерга чалқанча йиқилдим. Юзим, кўзимга сачраган тупроқдан хунобим чиқиб жаҳл билан ўрнимдан турдим. Қарасам тракторни одамлар ўраб олишган, ғала-ғовур овозлар тинмасди. Не кўз билан кўрайки тележкага уланган темир бўшаб тушиб кетган, унинг остида эса онам ётарди. Онам кулаётган темирни кўриб ўзларини унинг остига отиб, мени кутқарибди.

Шўрлик онам. Ўз жигаргўшасининг устига тушаётган темирдан жони халқумига келиб, ўз жонини хатарга қўйибди. Бир зумда аτροφдагилар югуриб келиб, онамни темир

остидан олиб чиқишди. Ранглари оқариб кетган, кўзлари хиёлига очилган хушсиз онамни кўриб кўриб кетдим. Шундан кейин онам шифохонада узок даволанди. Шукрки, елкалари тuzалди. Бироқ вақти-вақти билан оғриб туради.

Пойтахт вокзали... Одам тирбанд, Кассада навбатда турган йўловчилардан кўзим тинаёзди. «Онажон, сизларни соғиндим. Бу ерда яшаб қийин экан. Кўника олмаяпман. Даламинг елкаларига бошимни қўйиб ухлашни, сизнинг тандирдан қайноққина узилган ширмой нонларингизни соғиндим. Келаси йилдан ўқишимни ўзимизга кўчираман». Касса ёнида кўзлари ёшланган қизнинг сўхбатидан этим жимирлаб кетди.

Уч йил олдин худди мен ҳам мана шу киздек кетмоққа бот-бот ахд қилганман. Бироқ ота-онаминг: «Қатта шаҳарнинг нони ҳам қаттиқ, ҳам машаққатли. Бироқ тотли. «Тош шаҳар»нинг хаёт қозонида қайнаш осон эмас. Сен ижодкорсан. У яхши гапнинг қулидир. Бошингни доим мағрур тут. «Ижодкорда қишлоқнинг қалби, шаҳарнинг ақли бўлиши керак» (Уткир Ҳошимов). Сендан умидимиз қатта, юзимизни ерга қаратадиган иш қилма», — дея пешонамдан ўпиб айтган гаплари ҳамон қулоғим остида жаранглайди...

Ислом АСИЛБЕКОВ,  
ЎзЖОКУ талбаси



ОФРИҚЛИ НУҚТА

## СТАТУСИНГИЗДА ВИЖДОНИНГИЗ КЎРИНАДИ

Интернетда бугун йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Айниқса ижтимоий тармоқларда хар ким ўз профилида фикрини ёзиш, расм, видео жойлаш учун кенг майдон ажратилган. «Фикр билдириш», «Дустлар билан бўлишиш», «Ўз профилида бўлишиш» ҳам бор бунинг устига. Хуллас, мулоқот доираси ҳам, янги-янги дўстлар билан танишув имконияти ҳам кенг.

Муҳокама қилишни хохлаётган, эълон қилинаётган мавзунини оммага эркин ва осон тақдим этиш мумкин. Бидирилган муносабат ва фикрлар ўқувчини изланишга, ўрганишга чорлайди. Ўз гапининг исботи учун далил қидиради, интернет кезади, жараён давомида эса ниманидир ўрганади.

Аммо баъзида шундай фикрлар учраб турадики, уларни ўқиб уялиб кетасиз. Жаргон сўзлар билан тузилган статуслар жаҳлингизни чиқаради. Бу ёзувлар бир неча кун, ҳафта, ойлаб сақланади. Яъни муаллиф бу қилмишидан умуман афсусланмайди, ачинши ҳиссини туймайди, виждони қийнамайди. Бундай ёзув эгаларининг бирортаси маданиятсизлик қилгани учун кейинчалик кечирим сўрамайди, ҳатто ёзувни ўчириб ҳам юбормайди. Уларнинг айримларини дўстлари таркибда ўз ота-онаси, акаси, опаси бўла туриб бу ишдан заррача истиҳолда қилмаганидан, бировлар олдида хижолат бўлмаганидан хайрон қоласан киши.

Яна бир аламли жиҳати айримлар бу иши билан мактаниб ҳам қўйишади. Улкан ахборотлар ойнасидан бундай бетавфиқларча фойдаланиш одобланмикан?! Ахир, ижтимоий тармоқлар дав-

лат ёки дунёнинг турли бурчагидаги ёшларнинг ўзaro фикр, ижод, билим алмашишуви учун ташкил қилинган эмасми!?

Замонамиз ривожига шукр қилиб, ниманидир ўрганиш, билмагани сўраб олиш ўрнига гўзал тилимизни қирлаштириш, беъмани сўзларни ишлатиб маданиятсизлик қилиш инфофанмикан?! Ахир, ҳатто, қонун чекламайдиган баъзи нарсалар уят, номус, фаросат аталмиш тушунчалар томонидан тақиқлаб турилади-ку. Зеро, уят бизни хайвондан фарқлаб турувчи чегарадир.

Уятсиз ёзувлар рухиятни, онгни, маънавиятни ифлос қияпти. Уятсизлик касали тез бир-бирова юкса, у кейинчалик гурурсизликка, номуссизликка олиб келиши муқаррар.

Уят ўргатилмайди, у бирга туғилиши керак, деган нақл бор. Бундай ишларни ўзларига эп кўраётган кимсалар бевосита миллатига, ота-онасига тавқиланган бўлиб ёғилади. Бу умуминсонийликка ҳам, миллийликка ҳам мутлақо зид ҳолат! Уят — виждоннинг ифодаси, у ақлни белгилайди. Демак, уятсиз ҳам ақлсиз, ҳам виждонсиздир.

Ихтиёржон ҚҶЛДОШЕВ,  
Асака тумани



# «КИШИ АЙБИНИГ ДЕСА...»

## Ўхид Навоийнинг мунаққидлик маҳорати

Алишер Навоий асарлари ҳақиқат мезонларида яралгани учун ҳам ўқувчини ўзига тез жалб қилади. Шоир ўз даврининг адолатпеша, ҳақиқатгўй сиймосини кўз олдимизда гавдалантиради.

Хазратнинг наздида кишининг бирор айб-нуқсонини ўзига танитиб қўйиш савоб ва фойдали иш. Айбни англа-тувчи бировнинг хатоси тўғриланиши учун саъй-кўшиш қилганига савоб топса, айбли киши ўз камчиликларини бартараф қилиб, фойдага эришади.

Алишер Навоий ўзининг фардлари-дан бирида шундай ёзади:

*Киши айбинг деса дам урмағил,  
ул эрур кўзгу,  
Чу кўзгу тийра бўлди ўзга  
айбин зоҳир айларму?!*

Фард маъносидан англашиладики, айбни кўрсатувчи гўёки кўзгуга менг-зайди. Агар бу кўзгу тийра бўлса, унда киши акси кўринмайди.

Одатда кўзгу чанг-ғубордан хира тортади. Бирор нуқсонининг англата-ётган одамни жеркиб бериш ана шу кўзгуга чанг сеппишга ўхшайди.

Навоий сабоқларини чуқур ўз-лаштирган халқимиз танқидни келажак меваси деб қабул қилишга одатланган. Хўш, Алишер Навоийнинг танқидга муносабати қай даражада бўлган? Бу мавзуда зотинг сўз юритиш мумкин. Чунки ул зотнинг давр воқеалари ва замондошларига муносабат билдиришда ҳамиша ҳолис ва одиллик мезонида турганини асарлари орқали англаш қийин эмас. Ул зотнинг ҳар доим адо-лагли ҳақгўй ижодкор бўлганини бир-гина «Мажолисун нафоис» асарининг ўзи ҳам тасдиқлаб туради.

Ижодкорнинг каламдошлари асарла-рига ҳолис баҳо бериши анчайин муш-кул иш. Кимнингдир ўқиб, хафа бў-лишидан чўчиб, гоҳида саёз асарларни ҳам кўкка кўтаришга уринишлар бўлиб туради. «Мажолисун нафоис» асари-ни ёзар экан, Алишер Навоий ўзидан олдин яшаб ўтган ва ўзига замондош бўлган шоирлар ҳақида ростгўйлик бил-дан сўз юритган. Бу эса асарнинг янада ўқилиши бўлишини таъминлаган.

Дунё яратилибдики, қанчадан-қан-ча қалам аҳли нафосат бўстони деб аталмиш сўз санъатида ном қозонишга интиланлар. Уларнинг қай бири комил

шахс даражасига кўтарилган бўлса, яна бириси феъл-атвори, равишлари-да ноқислик борлиги учун ҳам халқ меҳрини қозона олмаган ёки аксинча, бадфеъл, бадхўй қаламкашлар фавку-лодда яхши асарлар ҳам яратган. Яхши қаламкаш яхши хулқ эгаси бўлмагани эҳуд яхши хулқ эгаси маъносиз асарлар яратиши ҳам мумкин. «Мажолисун на-фоис» асарини мутолаа қилсангиз, буни ўзингиз ҳам англаб етасиз.

Алишер Навоий мазкур асарига шундай ёзади: «Мавлоно Муҳаммад Олим... Баҳсда кўп густохона сўзлар ва жавоблар айтур эрди. Салтанати азим уш-шозний таҳаммул қила олма-ди. Самарқанддин анга ихрож ҳукми бўлиб Хирийга келди ва мунода Мавло-нонинг мақданин ганимат туттилар ва сокин бўлдилар...»

Бу жумла хазратнинг:

*Олдига келгонни эмоқ  
ҳайвоннинг иши,  
Озгига келгонни демоқ  
нодоннинг иши,*

деган ҳикматини эсга солади. Шоир ўзини сўз меймори деб ҳис қиларкан, у ортиқча, фойдасиз оғиз очмасликка бурчли саналади. Густохона сўзлар Мавлоно Муҳаммад Олимни Са-марқанддан ихрож, яъни бадарға ки-линишига сабаб бўлгани каби кишини дўст-ёронлар даврасидан узоқлаштириб қўйиши шубҳасиз.

Алишер Навоийнинг мазкур нодир асарини мутолаа қилар экансиз, хазрат-нинг ўз замонасининг таниқли қалам аҳлига ҳолис баҳо берганига яна ва яна шохид бўласиз.

«Мавлоно Вайсий... асру содда ва зўл киши эрди. Фақир ва балки кўпроқ ёронлар таажжуб қилурлар эрдиким, оё ул бу навъ содалиги била назм нечук айтур эркин, аммо газаллари ёмон эр-мас ва девони ҳам бордур...»



«Мавлоно Қанбарий – Нишопур-диндур. Оми киши эрди. Аммо назм айтурда чолок эрди ва шеърда ҳам чошин бор...»

«Паҳлавон Ҳусайн – «Девона» та-халлус қилур эрди. Филвоқеъ абдоллаш ва бағоят ичғувчи киши эрди...»

«Турфа будурким, Хोजа Муҳаммад Таёбодийким, бир ран ул ҳазрат (Абду-рахмон Жомий)нинг махсус мулозими эрди, назмларидин бир байт билмас ва билса ҳам назм ва насрларидин бир нуқта фаҳм қилмас ва қилса ҳам мақсудқа мувофиқ демас. Борақаллоҳ, камоли қобилият мунча-ўқ, бўлгай! Ул ҳазрат (Жомий) йиллар анинг бадхўй-лугин кўруб сингурубдурлар ва ўзларига кетурмайдурлар...»

«Мавлоно Сайфий – ... ҳушёрлигиде-басе одамиваши ва ҳаё ва адаблиг йи-гитдур. Аммо сархушлуқда ўзга моҳият бўлур эрди, балки расво нима бўлур эрди. Бу учурда тавбага муваффақ бўлди. Умед улқим, истиқоматқа ҳам муваффақ бўлгай...»

«Мавлоно Хусравий – даъволик ва бузругманиш ва тундхўй киши эрди. Фақир қошига баъзи маҳалда шеър

Навоий бировларнинг камчиликлари ортдан ғийбат йўсинида эмас, балки юзига айтишни маълук кўрган. Бу эса тушунган, мард тингловчининг ул ҳазрат билан дўст тутинишига сабаб бўлган.

келтурса эрди, бурунроқ андоқ қалом сурар эрдиким, дахл қилмоқ йўли боғла-нур эрди. Заруратан барча шеърини таҳсин қилмоқ керак эрди...»

«Мавлоно Аъзий – ғариб шакллик киши эрди. Атвори ва сўзи хоҳ назм, хоҳ насрда ғариб эрди. Фақир бир мажлисда Пули Молонда ани кўрдум, бир анжуманда бир қасидасин ўқийдур эрди. Ҳар байт бунёд қилса, сўз услуби-дин қофиясин айта берур эрдим. Бағоят ҳайрат қилди. Уч йилдин сўнг Боги Сафедда яна бир мажлисда биайниҳи ушмундоқ воқеъ бўлди. Ул яна ҳайрат бунёд қилди. Бурунги мажлис аҳлидин бу мажлисда ҳам неча киши бор эрди. Андин сўрдиларким, ҳаргиз бу нав киши кўрубмусен, чун кўзида заъф бор эрди, дедиким, кўрмаймен, магар уч йил мун-дин бурунроқ Пули Молонда бир йигит кўрдум, ул ҳам бу навъ шубҳабозлик қилди. Мажлис аҳли кулуштиллар.»

«Мавлоно Анисий – кам бизоат шоир эрди ва муттаҳам анга эрдиким, эл-нинг шеърини ўзига боғлар...»

Китобни varaқлаб шу каби сатрлар-ни ўқир экансиз, Алишер Навоийнинг мунаққидлик даҳосини қайта кашф қилгандек бўласиз.

Мард киши нуқсонларини ўзига англагган одамдан бу ёрдами учун миннатдор бўлади. Ношуд ва калта-фаҳмларгина нуқсонларини танитган одамни рақиб сифатида қабул қилади. Алишер Навоий бировларнинг камчи-ликлари ортдан ғийбат йўсинида эмас, балки юзига айтишни маълук кўрган. Бу эса тушунган, мард тингловчининг ул ҳазрат билан дўст тутинишига сабаб бўлган. Буни «Мажолисун нафоис»да-ги қуйидаги мисралар ҳам тасдиқлаб турибди:

«Мавлоно Абдусамад Бадахший... бир байтида тажнис ҳаёл қилиб, қо-фиясин галат қилиб эрди, фақир ани воқиф қилгач, филлоҳ мутанаббих бўл-ди ва бу иш анинг била фақир орасида оиноликқа сабаб бўлди.»

Хуллас, мўмин мўминнинг ойнаси деган ҳикмат «Мажолисун нафоис» асари муаллифи сиймосида ўз тасдиғи-ни топади. Бутунги кунда мунаққидлик тобора оксаб бораётган бир паллада ул зотнинг жасорат ва матонатидан улгу олиш зарур. Зеро, киши айбини ҳақгўйлик билан айта олиш, агар бу ҳолис ва ачингандан айтилса, чинакам марднинг иши саналади. Алишер На-воий ана шундай мардона юмушларни адо қилишнинг улдасидан чиқа олган бобоқалонларимиздан бўлгани билан ҳам бизда фахр уйғотади.

Эрпўлат БАХТ

ЯНГИ КИТОБ

## Эр бошига иш тушса

XX аср ўзбек адабиётининг классик адаблиридан, дея эътироф этилган ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг «Эр бошига иш тушса» романи орадан 55 йил ўтиб алоҳида китоб ҳолида қайта нашр этилди.



ОДИЛ ЁҚУБОВ  
ЭР БОШИГА  
ИШ ТУШСА

машаққатли давр одамлари, кизгин ҳаёт, ёшларнинг соф севгиси, садоқати ҳақида ҳикоя қилади. Кишиларнинг эзгу мақсад йўлидаги инти-лишлари бадий ақс этган, айни дамда бутунда арзи-маган ҳаёт қийинчилик-ларидан нолиб юрадиған инсонларга ибрат мактаби бўла олади.

Рус ёзувчиси Константин Симонов адибнинг «Эр бошига иш тушса», «Излай-ман» каби асарлари ҳақида қуйидагича фикр юритган эди: «Хозирги замоннинг бош муаммоси... уруш ва тинчлик муаммоси... Уруш йилларидаги баҳодирона қахрамонликларнинг маъ-навий илдизларини тушу-

ниш, идрок этиш зарурияти ҳам фавқуллода муҳим». «Кечаси Хулқар тик тепа-га келганда ҳандалак ўғир-лашга боришмоқчи эди...» дея бошланувчи асарни китобхон мароқ билан ўқий-ди. Воқеалар ривожига «шўнғиб» кетади. Асар фронт ва фронт ортидаги қийинчиликлар,

## Ўзбек шоирасининг китоби Туркияда Чоп этилди

Туркиянинг Истанбул шаҳрида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Наргиза Асадова-нинг «Mijde» (Хушхабар) номли шеърый китоби чоп этилди.

Китобга шоиранинг ҳаёт ва ҳаёл орасидаги тубсиз ўйлари, ишқ ва нафрат орасидаги туйғулари ва кўн-гилни озода этувчи дилбар шеърла-ри киритилган.

Замонавий кўринишга эга тўпلام «Asmaalli» наприётида нашрдан чиқди. Шоиранинг шеърларини турк тилига таниқли таржимон ва шоир Ҳамза Ўзтуркчу ва Емин Бакар таржима қилган.


Эълонлар

2009 йилда Тошкент педагогика коллежи то-монидан Алданова Ни-луфар Абдуқадирова номига берилган 1066-сон билан рўйхатга олин-ган № 1430954- рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

2011 йилда 1-Респуб-лика тиббиёт коллежи томонидан Мармар Ха-бибулла номига берилган 977-сон билан рўйхатга олинган № 1878683 - рақамли диплом йўқол-ганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**



## Ижтимоий тармоқлар оралаб...

Карим Бахриев  
34

## Ҳақиқий баҳо

Мулоим бўлсанг, латта экан деувчилар топилади. Қаттиқкўл бўлсанг, бемехр, бағритошга чиқаришади. Илмдан гапирсанг амал ҳам қилиш керак дейишади. Амал қилсанг олдин яхшилаб ўрган дейишади.

Бидъатларни тарк қилсанг ваҳобий-га, зикрларни кўпайтирсанг сўфийга чиқаришади.

Мақтасанг маддох бўласан, танқид қилсанг ичкорога айланасан.

Ҳақи гапирсанг ўрнимас дейишади, индамасанг кўрокка чиқаришади. Бой бўлсанг харомдан топган, камбағал бўлсанг дангаса бўласан.

Одамлар шундай, биродар. Улар барибир гапиршади. Улар барибир тинч қўйишмайди.

Улар барибир рози бўлишмайди. Сен уларга кўп ҳам ахамият берма! Сен сени Яратгани рози қилишга урин!

Сенга ҳақиқий баҳони У қўяди...

Аваз Бек  
44

## Давлатни бино қиладиган куч

Жанубий Африканинг собиқ раҳбар Нельсон Мандела ўз эсдаликлариди шундай ёзади:

«Давлатга раҳбар бўлганимдан сўнг шаҳар айландим. Бир ошхонага кирдик. Ҳамма жойлашиб, маъқул овқатини буюрди. Таомни кутиб турган пайтимиз кўзим бир четда ўтирган кишига тушди. У ҳам кутиб турганди.

Бояги кишини чақириб келишларини айтдим. У киши келди. Ёнимга ўтиришини айтдим. Таом келди. Бирга овқатлана бошладик. Ҳалиги киши тер тагида қолди. Қўллари қалтирар, юзидан тер шариллаб оқар, овқатини оғзига олиб бора олмас эди.

Овқатдан сўнг у киши кетди. Шунда танқуриқчим менга: «У киши касал шекилли. Тузук овқат ея олмайди», деди. Мен: «Йўқ! Иш сен ўйлагандай эмас. У касалмас. У мен қамалган қамоқхона кўриқчиси эди. Кўпинча менга азоб беришгандан сўнг чанқаб, сув сўрардим. Ҳар сафар шу киши келиб устимдан бавл қиларди. У бутун менинг қамашим ва унга ҳам шундай азоб беришимдан қаттиқ кўрқди. Аммо бу менинг ахлоким эмас. Чунки қасос давлатни бино қила олмайди. Халқларни бино қиладиган нарса афвдир», дедим...»

## САЙРАШНИ БАС ҚИЛ!

« Мавлоно Жалолоддин Румийнинг «Маснавий»сида келтирилган куйидаги ҳикоят барчамиз учун маънавий дарс бўлиши шубҳасиз.

Савдогар қафасда тўти боқар эди. Бир куни у Ҳиндистон сафарига отланди. Саховатпеша тижоратчи ўз хизматкорларига: «Истақларингизни айтинг, Ҳиндистондан сизга нима келтирай?» деб сўради. Ҳар ким ўз хоҳишини арз қилди. Тижоратчи уларга сўраганларини олиб келишга ваъда берди.

Навбат тўтига етди: «У ердаги тўтиларни топиб, мендан салом айт ва қафасдаги ҳаётимдан воқиф эт. Бундай ғурбатли жойларда ҳам биродари борлигини уларга эслатгинки, ям-яшил ўрмонларда қанот қоқиб, шохдан-шоҳга овоз учиб юрганида мени ҳам бир эслаб қўйишин!» деди. Савдогар қушининг ғаройиб истагини ҳам бажо этишга ваъда бериб йўлга қикди.

Ҳиндистонга боргач, бир ерда тўтилар галасини учратиб қолди. Уларга қушининг саломини ва айтган-

ларини етказди. Ҳикояни тинглаб турган бир тўти турган жойида титради ва ерга йиқилди. Бу ҳолни кўрган савдогар: «Эсиз, нима қилиб қўйдим, қошки айтмаганимда, бир жонни ўлдириб қўймасдим!», деб ғамга ботди.

Ишларини битириб уйига қайтгач, хизматкорларига ҳаёда улашди. Тўти ҳали навбати етмай: «Менинг истагим нима бўлди, у ердаги тўтиларга арзимини етказдингми?!», дея ошқиди. Тижоратчи: «Оҳ, қани эди етказмаганимда! Дўстларингга сенинг гапларингни айтишим билан бири титраган қўйи шохдан йиқилиб тушди, нафаси етмай ўлди!», деди. Ҳиндистондаги қушнинг ҳолини эшитган тўтини ҳам шу заҳоти титроқ босди. У ҳам турган жойидан йиқилди. Савдогар гўзал тўтисининг ўлганидан бағтар сиқилди. Бошидаги кийимини ечиб

ерга урди: «Оҳ, менинг хушовоз қушим, сенга нима бўлди, нега бу ахволга тушдинг?!», деб йиғлай бошлади. Йиғлай-йиғлай қушини қафасдан чикарди. Тўти эса шу заҳоти қанот қоқиб, уй яқинидаги дарахт шохига қўнди.

Савдогар унинг бу қилигини кўргач: «Эй қуш, Ҳиндистондаги тўти сенга нимани ўргатди?», деб сўради. Тўти жавоб берди: «У менга: «Сайрашни бас қилиб, ўзингни ўлганга сол, шунда қафасдан ҳам, асирликдан ҳам қутулсан. Сайраб тураверсанг, сени қафасдан чиқаришмайди», деб ўргатди. Унинг айтганига риоя қилдим ва қафасдан қутулдим».

Қиссадан ҳисса шуки, тан қафасининг маҳбуси бўлган инсон руҳи ҳам нафс асоратидан халос бўлмагунча хурриятга эриша олмайди. Шунингдек, ким гўзалликни, унга берилган фазлу қамолни кўз-кўз қилса, юзлаб машаққатлар, укубатлар остида қолади. Душманларнинг гинаю қудуратлари, ҳасад ва хусуматларига учраб, жабру зулм кўради.

## ЖАВОҲИР



Чўлпон ЭРГАШ

## Бир гул борки...

«Қирқ йил лайлак уясида қуёни ёндирса,  
Ерга тексам қўқараман» дер эмиш ажериқ.  
Сен бўлсангчи, бир озгина ёлғиз қолдирсам:  
«Қўйдим – қулман, татом қилди» дейсан айрилик.

Бир гул борки, қизил қондир бағри – тузунча,  
Қолиб юз йил муз остида, очилмас, сўлмас.  
Қиздай бир эл номушин топтар ёв шунча,  
Бироқ унинг йиғитлари беномус ўлмас.

## ИНТЕЛЛЕКТ

## Оғир касаллик боиси

Оғир касалликка чалинган Шерлок Холмс ҳеч қимни яқинига йўлатмади. Унинг истиҳоласида ҳам жон бор, ахир, машғум касаллик бошқаларга юкиши мумкин эди.

Лекин у ҳатто мохир шифокор бўлган дўсти Ватсондан ҳам ўзини олиб қочаётганини тушуниш қийин эди. Савол: Шерлок Холмс ўзини даволамоқчи бўлган доктор Ватсонга нима сабабдан яқин келмасликни буюрган?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба куни соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Телефон: 0(371) 234-91-82

Telegram: (+998 97) 444-80-84

Газетамизнинг 2020 йил 10 сентябрь 36-сониди берилган саволнинг жавоби: Бу билан Зулқарнайн амалдорларни мол-давлатга ўч бўлмасликка чақирган.

## ПАЗАНДАЛИК

## Лаваш хамиридан хоним

Керакли масалликлар: 300 грамм қийма, 4-5 дона қизил сабзи, шунча картопка, 3 дона пиёз, лаваш хамири, кўкат ва зираворлар.

Тайёрланиши: қизил сабзи ва картопкани киргичини қатта тишидан чиқарамиз. Пиёзни майда тўғраб оламиз. Катта идишга қийма, майдаланган сабзавотлар ва тўғралган кўкатларни соламиз. Туз ва мурч сеπιб, яхшилаб аралаштириб оламиз. Мантискоқонга сув солиб, қайнатамиз. Қиймали аралашмани саккизга бўламиз. Лаваш хамирига қиймали аралашмадан текислаб солиб, ўраб чиқамиз.

Бундай хонимда қийма оддий хонимдагидек кўп бўлмайди, ақс холда лаваш йиртилиб кетиши мумкин.

Мантискоқонларни яхшилаб ёғлаб, лавашли хонимларни соламиз. Қайнаётган сув устига қўйиб, қопқоғини ёпамиз ва 20 дақиқа давомида қайнатиб пиширамиз. Пишгандан сўнг ликопчага ағдарамиз кесиб, сеvimли қайла ёки қатик билан дастурхонга тортамыз.



## ЛАТИФА

Тест синовлари кетмоқда. Ҳамма абитуриентлар тестларни тезроқ ечиш билан банд. Фақат бир абитуриент танга ташлаб, вариантларни белгилаётган экан. Домла уни кузатиб туриб, ҳаммадан олдин тамомласа керак, деб ўйлаб қўйибди.

Ҳамма имтиҳон жавобларини топшириб кетибди ҳамки, ҳалиги абитуриент ҳали ҳам танга ташлаб ўтирганмиш. Домланинг сабри чидамай, абитуриентни ёнига бориб:

– Имтиҳон вақти тугади. Жавобларни белгилашга улгурдингизми, – деса, абитуриент:  
– Ул улгурдим, фақат қайта текшириб чиқяпман, – дермиш.



Ўн йилдан буён ўқишга топшириб қирол-майдагн абитуриент шундай деб катта кетармиш:

– Қанийди, имтиҳонда тест саволлари сериаллардан тузилган бўлса. Аканг қарағай ҳозир грантда ўқиётган бўларди!

## МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;  
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;  
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;  
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;  
«Матбуот тарқатуви» акциядорлик компанияси;  
Акциядорлик тижорат «Алюкабан».

Газетада интернет материаллардан ҳам фойдаланилган.  
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот шенгазликда 0814-рақам билан рўйхатга олинган.  
«Шарқ» нашриёт-натиба акциядорлик компанияси бошқарувида чоп этилди.  
Бошқаруви манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41.

## Бош муҳаррир

Хусниддин  
БЕРДИЕВ

## Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй.

Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета тахририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-937

ISSN 2181-6190

Объём индекс — 193

Азали: 1 649 нуска.

Нарҳи: келишув асосида.

Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 20:00

ISSN 2181-6190



4 772 383 33005 5

123456